



## XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «6» июль

VI-30-24-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

### **Маҳаллий экспортчи корхоналарнинг савдо уйлари очиш ва сақлаш офис, савдо ва омбор биноларини ижарага олиш, шунингдек, реклама компаниялари ташкил қилиш билан боғлиқ чет элдаги харажатларни қоплаб бериш чора-тадбирлари тўғрисида**

Маҳаллий экспортчи корхоналарнинг савдо уйлари очиш ва сақлаш, офис, савдо ва омбор биноларини ижарага олиш, реклама компанияларини ташкил қилиш билан боғлиқ чет элдаги харажатларини қоплаб бериш ҳамда амалга оширилаётган ишлар бўйича асосли таклифлар ишлаб чиқиш тўғрисида вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи С.Қ.Худойбердиевнинг ахбороти Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон либерал демократик партияси депутатлик гуруҳида тингланганлиги ва билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши **қарор қилади:**

1. Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон либерал демократик партияси депутатлик гуруҳининг 2021 йил 17 май кунидаги ZOOM дастури орқали ўтказилган йиғилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Орипов) ҳузурида ҳар ҳафта жума куни, ҳоким ҳузурида ҳафтанинг душанба куни топшириқлар ижро ҳолатини муҳокама қилиб борилиши, масъул ижрочилар томонидан экспорт прогноз кўрсаткичлари ижроси бажарилиши таъминлансин.

3. Туман (шаҳар) ҳокимлари:

жорий йил учун Сурхондарё вилоятига белгиланган экспорт прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши мунтазам назорат қилиб борилишини;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 14 январдаги ПҚ-4949-сон қарори ижросини;

қарор юзасидан экспорт прогноз кўрсаткичлари ижро ҳолатини ҳар чорак якунида халқ депутатлари вилоят сессияларида муҳокама қилиш ҳамда тўлиқ бажармаган,

кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жавобгарлик масалаларини кўриб чиқиш тизимини йўлга қўйиш чоралари кўрилишини таъминласин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Орипов) туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда:

маҳаллий экспортчи ташкилотларда мавжуд муаммоларни аниқлаб бориш ҳамда уларни бартараф этиш чоралари кўрилишини ва маҳаллий ҳокимликлар, тижорат банклари, тегишли ташкилотларга аниқ таклифларнинг мунтазам киритиб борилишини ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан тизимли ишлар олиб борилишини;

экспортёр корхоналар билан манзилли ишлаган ҳолда экспорт фаолияти учун хомашё сотиб олиш ва экспортга йўналтириладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда зарур бўлган айланма маблағлар учун ҳужжатларни тегишли тижорат банкларига топширилишини ва камчиликлар аниқланганда, бартараф этишга қўмаклашилишни ҳамда тижорат банклари томонидан ҳужжатларнинг қисқа муддатларда кўриб чиқилишини ва экспортолди молиялаштирилишини;

Давлат солиқ қўмитаси вилоят бошқармаси ходимларининг экспортёр корхоналарга бириктирилишини ҳамда маҳаллий экспортёр корхоналарда вужудга келаётган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)ни қайтариш учун тегишли ҳужжатларнинг камчиликларсиз топширилишига ва ортиқча тўланган ҚҚСнинг қайтарилишига амалий ёрдам кўрсатилишини;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги “Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПҚ-4707-сонли қарорига мувофиқ экспортёр корхоналар томонидан хорижий давлатларга транспорт орқали экспорт амалиётини амалга оширишдаги харажатлар миқдорини 50% компенсация тарзида қайтариб берилиши юзасидан зарур ҳужжатларни Экспортни рағбатлантириш агентлигига тақдим этилишини ҳамда тегишли тартибда амалий ёрдам кўрсатилишини;

маҳаллий экспортчи корхоналарнинг савдо уйлари очиш ва сақлаш, офис, савдо ва омбор биноларини ижарага олиш реклама компанияларини ташкил қилиш билан боғлиқ чет элдаги харажатларини қоплаб бериш юзасидан хар ойда Экспортни рағбатлантириш агентлигига тегишли тартибда таклифлар киритиб борилишини;

озиқ-овқат саноати маҳсулотлари экспортини кенгайтириш, ғалла ҳосили йиғиб олинган майдонларга такрорий экин майдонларга экспортбоп маҳсулотлар экилишини ҳамда ҳокимликларнинг қишлоқ хўжалиги бўлинмалари билан ҳамкорликда мунтазам назорат қилиб борилишини таъминласин;

юқоридаги вазифалар ижроси бўйича ҳар чорак якунида халқ депутатлари вилоят Кенгашига ёзма ахборот киритиб борсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон либерал демократик

партияси депутатлик гуруҳи аъзоси Д.Сувонова зиммасига юклатилсин.

6. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

**Кенгаш раиси**



**Bobolov T.A.**